



**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТИЗИМЛАР  
НЕГИЗИДА КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ  
УЗЛУКСИЗЛИГИНИНГ ИЛМИЙ – МЕТОДИК ТАЪМИНОТИ**  
DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.62.15.014>

*Тўрақулов Холбўта Абилович,  
педагогик таълим халқаро фанлар академияси академиги, техника  
фанлари доктори, профессор*

*Аннотация: Мазкур мақолада интеллектуал тизимлари негизида бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш масаласи қаралади. Ушбу мақоладан бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириши муаммоси билан шуғулланувчилар фойдаланиши мумкин.*

*Калит сўзлар: касбий фаолият; интеллектуал тизимлар; ўқитиши; тизим; бўлажак ўқитувчи; узлуксизлиги; илмий-методик; таъминот; рақамли; яратиши; фойдаланиши; режаслаштириши; ахборотли; методик; ташкилий-тузилма; метод; оптимал; қатор; ишланмалар; илмий-амалий; стратегия; ахборот оқими.*

**НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ  
НЕПРЕРЫВНОСТИ**

*Туракулов Холбота Абилович,  
академик Международной академии наук педагогического  
образования, доктор технических наук, профессор*

*Аннотация: В статье рассматривается вопрос подготовки будущих учителей к профессиональной деятельности на основе интеллектуальных систем.*

*Эту статью могут использовать те, кто занимается проблемой подготовки будущих профессионалов к профессиональной деятельности.*

*Ключевые слова: профессиональная деятельность, интеллектуальные системы; обучение; система; будущий учитель; преемственность; научно-методический; поставка; цифровой; Создайте; использовать; планирование; познавательный; методический; организационная структура; метод; оптимальный; серии; разработки; научно-практический; стратегия; поток информации.*

**SCIENTIFIC AND METHODOLOGICAL SUPPORT OF  
CONTINUITY**

*Turakulov Kholbota Abilovich,  
Academician of the International Academy of Sciences of Pedagogical  
Education, Doctor of Technical Sciences, Professor*

*Annotation: The article considers the issue of preparing future teachers for professional activities on the basis of intellectual systems.*

*This article can be used by those who deal with the problem of preparing future professionals for professional activities.*

*Keywords: professional activity, smart systems; education; system; future teacher; duration; scientific and methodological; to provide; digital; To create; use; planning; informant; methodical; organizational structure; method; optimal;*

series; development; scientific and practical; strategy; Information flow.

Маълумки, интеллектуал тизимлар бу инсоннинг, инсониятнинг интеллектуал мулки асосида шаклланган билимлар базаси ёрдамида муаммоларни ҳал қилишнинг ақлий-мантиқий фаолияти тизимидан иборатдир. Шу сабабли ҳам интеллектни инсоннинг ақлий қобилияти, ҳаётни ва атроф-муҳитни онгда айнан акс эттириш, фикрлаш, ўқиш-ўрганиш, дунёни билиш ва ижтимоий тажрибаси, ахборотларни қабул қилиш қобилияти, турли масалаларни ҳал қилиш, бир қарорга келиш, оқилона иш тутиш, воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўра билиш лаёқатлари мажмуасидан иборат дейишимиз мумкин бўлади. Буларнинг барчаси инсондаги тафаккур қилиш ва фикрлаш қобилияти негизида амалга оширилади.

Бу қайд этилган ақлий-онглий фаолият жиҳатлари бевосита бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал фаолиятга тайёрлашдаги муҳим дидактик асослардандир. Шунинг билан бирга бундай жиҳатларни замонавий жамият тараққиётининг интеллектуаллаштириш даражалари ҳал этмоқда. Бунга сабаб қайд этилган талаб жамият тараққиётининг замонавий талаблари асосдаги бўлажак ўқитувчиларни инновацион ривожланган, замонавий рақобатбардош етук кадрларни тайёрлаш масаласининг зарурлигини таъкидлайди.

Демак, жамият тараққиётининг интеллектуаллик даражаси талабларига жавоб бера оладиган интеллектуал салоҳиятли бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш ҳозирда ниҳоятда долзарб муаммо экан.

Мазкур мақолада ҳам бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал тизимлар негизида касбий фаолиятга тайёрлаш узлуксизлигини илмий-методик таъминотини ишлаб чиқиш масаласи қаралади.

Ушбу қўйилган муаммони ҳал қилишда ҳам таълим ва ундан амалиётда фойдаланишнинг жаҳон таълими талабларига эътиборни қаратган ҳолда ижодий фаолиятни олиб бордик. Чунки, ҳозирда жаҳон таълимининг замонавий талабларидан бири таълим бериш ва бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнларини рақамли технологиялар негизида янада такомиллаштиришдан иборат бўлмоқда. Шу сабабли мазкур тадқиқот ишида бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал тизимлар негизида касбий фаолиятга тайёрлаш узлуксизлигини таъминлашнинг илмий-методик таъминотини ишлаб чиқишга киришдик. Бунинг учун бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашга оид фанларни (асосан ихтисослик-мутахассислик фанларини) ўқитишда интеллектуал тизимлардан фойдаланиш асосий диққат марказимизда бўлди ва бунда рақамли технологиялар негизида фанларни (мавзуларни) ўқитишга мунтазам равишда эътибор берилиб келинди. Бу замонавий педагогик тадқиқотларнинг устувор ва истикболли йўналишлардан биридир.

Бу йўналишдаги долзарб муаммоларни ҳал қилишда ҳам асосан интеллектуал тизимларни ишлаб чиқиб, уларни таълим амалиётига жорий этишга тўғри келади. Бунда кўпроқ рақамли таълим технологиялари ва уларга мос мулоқотли ишчи дастурлар ҳамда педагогик дастурий воситаларни интеллектуаллаштирилган ўқитиш тизимларининг дидактик асослари бўлиб ҳисобланади.

Ушбу соҳада олиб борган изланишларимиз ва кузатишларимиз натижалари кўрсатишича интеллектуал тизимлар негизида бўлажак ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш узлуксизлигини қуйидаги

кетма-кетликда олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлар экан [1-5]:

интеллектуал тизимларни интеллектуаллаштирилган ўқитиш тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш нуқтаи назаридан асослаш;

фойдаланиладиган интеллектуал тизимлардан амалиётда фойдаланишга педагогик дастурий воситаларни етарлилигини асослаш;

интеллектуал тизимлар негизида бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашни лойиҳалаштириш ва бунда бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг ташкилий-тузилмавий моделини ишлаб чиқишни эътиборга олиш;

интеллектуал тизимлар негизида бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашга оид амалий дастурлар мажмуаси ва уларга мос мулоқотли ишчи дастурларни тайёрлаш;

интеллектуал тизимлар негизидаги интеллектуаллаштирилган ўқитиш тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

интеллектуал тизимлар негизида бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашга оид мажмуани тайёрлаш ва уни амалиётга фойдаланишга топшириш учун дастлабки экспертизадан ўтказиш;

интеллектуал тизимлар негизида бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашга оид кўрсатма ва йўриқномалар тайёрлаш.

Бу қайд этилган узлуксизлик асосида бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал фаолиятга тайёрлаш учун уларга мос илмий-методик таъминот керак бўлади. Биз уларни тадқиқотимиз давомида қуйидаги кетма-кетлик асосида тайёрлаб олдик:

бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашга оид маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва уларни керакли манбаларга узатиш механизмини тайёрлаш;

ўқитишни интеллектуаллаштиришга оид маълумотлар қамрови ва ҳажмини, йўналтирилганлигини, даврийлигини ва тезкорлигини аниқлаб, баҳолаб бориш тамойилларини тайёрлаб қўйиш;

интеллектуаллаштирилган ўқитиш тизимларига оид интеллектуал мулкка эга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва улардан қаралаётган интеллектуаллаштирилган ўқитиш тизимларини яратишда фойдаланишни режалаштириш;

интеллектуаллаштирилган ўқитиш тизимлари амалиётида фойдаланиш натижаларига эътибор бериш ва шу асосда улардан бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда фойдаланишни режалаштириш ва ундан амалиётда фойдаланишга тавсиялар бериш;

ишлаб чиқариладиган интеллектуаллаштирилган ўқитиш тизимларидаги ахборот оқимини камайтиришга ҳаракат қилиш;

интеллектуал тизимлар негизида бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашга оид ахборотлар банкини шакллантириш;

интеллектуаллаштирилган ўқитиш тизимларидан оммавий фойдаланишга, яъни бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг барча босқичларида фойдаланишга тавсиялар тайёрлаш;

интеллектуал тизимлар негизида рақамли таълим технологияларини яратиш ва уни жамият тараққиётининг интеллектуаллик даражасига қараб мунтазам равишда ривожлантириб, такомиллаштириб боришга тавсиялар тайёрлаш.

Юқорида қайд этилган интеллектуал тизимлар негизида бўлажак

ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг узлуксиз кетма-кетлиги ва уларга мос ҳамда тайёрланадиган илмий-методик таъминотдан кўринадики, интеллектуаллаштирилган ўқитиш тизимлари бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашга оид рақамли таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга кенг имкониятлар яратади, шунингдек, интеллектуал тизимлар илмий-амалий ишланмаларни яратиб, ундан амалиётда фойдаланишда кўрсатмавий дидактик асос бўлади.

Мазкур тадқиқот ишида хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашга оид интеллектуаллаштирилган ўқитиш тизимларини ишлаб чиқиш бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашга оид тадқиқот ишининг самарадорлигини оширади.

Интеллектуал тизимлар негизида бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал-касбий фаолиятга тайёрлаш узлуксизлиги методологик характерга эга бўлган йўналишдан иборат. Шу сабабли ундан бошқа йўналишдаги мутахассисларни интеллектуал-касбий фаолиятга тайёрлашда ҳам фойдаланиш мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Тўрақулов Х.А. Педагогик тадқиқотларда ахборот технологиялари ва тизимлари. Монография. –Т.: Фан, 2007, 252 б.

2. Тўрақулов Х.А. ва бошқ. Илмий тадқиқот асослари. Ўқув қўлланма. –Т.: Fan va texnologiya, 2011, 484 б.

3. Тўрақулов Х.А., Абдуллаева Б.С., Тўрақулова И.Х. Бошланғич таълим методологияси. Дарслик. – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-манбаа уйи”, 2020, 476 б.

4. Тўрақулов Х.А., Тўрақулов О.Х., Ўразбоев С.Э. Интеллектуаллаштирилган ўқитиш тизимлари негизида бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал фаолиятга тайёрлаш. Монография. – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-манбаа уйи”, 2020, 224 б.

5. Тўрақулов Х.А., Тўрақулова И.Х., Қуттибекова Г.Т. Бошланғич таълимда инновацион технологиялар. Дарслик. – Т.: “LESSON PRES” нашриёти, 2021, 418 б.